


ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY VA URTA MAHSUS
TALIM VAZIRLIGI

TO'SHENT VILOYATI CHIRCHIK DAVLAT
PEDAGOGIKA INSTITUTI

YKUBOVA MARXABO YUSUFOVNA

**UMUMTALIM MAKTABLARI
UQUVCHILARIDA
KREATIVLIKNI SHAKLLANTIRISH**

монография



373.
9-49.



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ VILOYATI ЧИРЧИК ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ

ЯКУБОВА МАРХАБО ЮСУФОВНА

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ўқувчиларида
КРЕАТИВЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

монография

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ЧИРЧИК – 2022

Ушбу монография Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти кенгашининг 2022 йил 28 январдаги № 10-сонли мажлисида муҳокамадан ўтказилган ва тасдиқланган.

Монография мазмуни халқ хунармандчилиги, миллий меъморчилик намуналарининг фалсафий, психологик ва тарбиявий жиҳатларини англаш, мазмун моҳиятини чуқур билш, хунармандчилик турлари халқ ҳаётининг бевосита ифодаси бўлиб, халқимизнинг ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тушунчаларини, унинг юксак дидини, эстетик қарашларини ва шу билан бирга ахлоқий тарбия билан боғлиқ муҳим қирраларини ўзида ақс эттириш, умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг “Технология” ва бошқа фанларни ўзлаштириш жараёнида креативлик сифатларига эга бўлишини таъминлаш ва уни ривожлантиришда уларнинг шахсий қобилиятлари, табиий ва ижтимоий қувватини, касбий фаолиятни сифатли, самарали ташкил этишга йўналтирилган.

Ушбу монографияда умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативликни тақомиллаштиришнинг зарурлиги масалалари, умумтаълим мактабларида илмий-амалий билимларини чуқурлаштириш таълим-тарбия самарадорлигини сифат босқичига кўтариш фикрлари баён этилган бўлиб, ундан мактаб ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилар, докторантлар, магистрлар фойдаланишлари мумкин.

Муаллиф:

Якубова М.Ю. – “Технологик таълим” кафедраси ўқитувчиси

Тақризчилар:

Жўраев А.Р. – Бухоро давлат университетининг Педагогика Институти Педагогик таълим факультети декани, п.ф.д (PhD), доценти

Абдалова С.Р. – ТВЧДПИ. Педагогика факультети “Умумий Педагогика” кафедраси п.ф.н доценти

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....		4-5
I-БОБ. УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДА ШАКЛЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ		
01.1. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативликни шакллантиришнинг (“Технология” мисолида) назарияси ва амалиёти.....		6-18
01.2. Мактаб ўқувчиларида креативликни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....		19-31
01.3. Ўқувчиларда креативликни шакллантиришни тақомиллаштириш тизими.....		32-44
I - боб бўйича хулоса.....		45-46
II-БОБ. МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА КРЕАТИВЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ		
02.1. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида халқ хунармандчилиги асосида креативликни шакллантиришни тақомиллаштириш методикаси.....		47-64
02.2. Ўқувчиларда креатив фикрлаш кўникмасини шакллантириш методикаси.....		65-83
02.3. Ўқувчиларда халқ хунармандчилиги асосида креативликни шакллантиришга йўналтирилган методлар тизими ҳамда уни баҳолаш кўрсаткичлари.....		84-119
II-боб бўйича хулоса.....		120-121
ХУЛОСАЛАР		122
МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР		123
ГЛОССАРИЙ		124-127
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати		128-136

КИРИШ

Жаҳонда "Lifelong learning" таълим дастурлари бўйича таълим олувчиларнинг креатив фикрлаш кўникмаларини шакллантириш муаммолари педагогика назарияси ва амалиётда долзарб ҳисобланади. ЮНЕСКОнинг таълим, фан ва маданият масалаларига оид "Техникавий ва касб-хунар таълими тўғрисида" ги Конвенциясига (Convention on Technical and Vocational Education) мувофиқ глобаллашув шароитида меҳнат бозори талаблари асосида таълим хизматларининг инновацион технологияларини яратиш ва амалиётга жорий этиш орқали таълим олувчиларнинг касбий фикрлаши ва ижодий яратувчанлик қобилиятларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқаро педагогик амалиётда таълим олувчиларнинг шахсий муҳим сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг креатив фикрлаш кўникмалари муҳим ҳисобланади. Бунда уларнинг ўқув мотивацияси, мустақил фикрлаш, ижодкорлик ва ўз-ўзини фаоллаштириш каби когнитив ва рефлексив қобилиятларини шакллантириш жараёнида замонавий дидактик воситалар ва электрон ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш интегратив техник билим ва кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Мамлакатимиз таълим тизимида компетенциявий талабларга жавоб берадиган мустақил ва эркин фикрлайдиган, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш тизими ислох қилинмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "узлуксиз таълим тизimini янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш"¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. - Т., 2017. - 6-39.

устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Шу сабабли умумтаълим мактабларининг 8-9-синф ўқувчиларида халқ хунармандчилиги асосида ўқувчиларда креатив фикрлаш кўникмасини шакллантириш ва ривожлантиришнинг амалдаги методлари ва воситаларини такомиллаштириш ҳамда амалиётга жорий этиш борасидаги илмий-амалий тадқиқотларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПФ-5242-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиб боришга оид чора-тадбирлар тўғрисида" ги 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5841-сон Фармони, "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги 2019 йил 28 ноябрь, ПҚ-4539-сонли қарорларида мамлакатимизда миллий хунармандчилик, халқ бадийи ва амалий санъатини ривожлантириш, шу орқали халқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш, хунармандчилик йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишга кўмаклашиш ва кадрлар тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш каби вазифалар мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг юқросини таъминлашда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

I-БОБ. УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ҲУҚУВЧИЛАРИДА КРЕАТИВЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ

§1.1. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативлиكنи шакллантиришнинг “Технология” мисолида) назарияси ва амалиёти

Жамиятимиз тараққиётининг муҳим шарти кадрларни тайёрлаш тизимининг мукаммал бўлиши, замонавий иқтисод, фан, маданият, техника ва технологиялар асосида юксалишида умумтаълим мактабларида фанларни, жумладан, “Технология” фанини ўқитишни замонавий илмий фикрлар ютуқлари ва ижтимоий тажрибалар, таълим жараёнининг ҳамма босқичларида илгор методик тажрибаларга таянган ҳолда амалга оширилиши билан характерланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 23 август кунини халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида, “Таълим-тарбия соҳасида замонавий ва оқилона тизим яратиш, ўқитиш методлари, таълим стандартлари, дарслик ва ўқув кўллианмаларини янгилаш зарурлиги, билим беришда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш, тарбияда эса миллий анъана ва кадриятларга суяниш муҳимлиги кайд этилганлиги ҳам фикримизнинг яққол далилидир [150].

Тадқиқот иши мавзуси доирасида педагогик илмий-амалий таҳлиллардан, умумтаълим мактабларида ўқитиладиган “Технология” ўқув предмети 1-синфдан-9-синфгача узлуксиз ўқитилиши, фан мавзулари таркибига кўра, ўқувчиларда креативлиكنи шакллантириш имконияти бошқа фанларга нисбатан юқорилиги, айниқса, халқ хунармандчилигини мукамал ўрганиш бугунги кунда долзарб эканлиги аниқланди.

“Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2019 йил 28 ноябрь, ПҚ-4539-сонли қарорида, хунармандчиликни янада

6

ривожлантиришнинг асосий йўналишлари [2] жумладан, хунармандчилик соҳасида янги лойиҳаларни амалга ошириш, йўқолиб бораётган хунармандчилик турларини тиклаш ва ривожлантириш муҳим ваданиятга эга эканлиги кайд этилиши ниҳоятда муҳим масала. Зеро, миллий тарбияда халқ хунармандчилиги муҳим аҳамият касб этади.

Хунармандчиликнинг қадимий даврлардан кенг тарқалган соҳалари мавжуд бўлиб, темирчилик, дегрезлик, пичокчилик, қулфчилик, заргарлик, ырдуўлик, дурадгорлик, ўймакорлик, харротлик, сандиқчилик, нақшошлик, нонопчилик, гиламдўзлик, бешикчилик, дўппиччилик, ганчкорлик, сангтарошлик, кулолчилик, кошинчилик, кўнчилик, чармгарлик, мивасидўзлик, этикдўзлик, кандолатчилик шулар жумласига киради.

Миллий хунармандчилик таникли этнограф И.Жабборовнинг таъкидлашича, темирчилик ривожланиши билан мустақил соҳалар юзага кела бошлаган. Масалан, ўзбек пичоғини пичокчилар, қулф-калитни қулфчилар, итга-бигизни игначилар, рўзгорда зарур бўлган буюмларни чилангар, михгар, тикачилар ясаганлар. Ўзбек заргарлари ясаган ноёб киммагбаҳо безаклар дунёда машҳур. Ёғоч буюмларини яшаш хунармандчилигини дурадгорлар ивмалга оширган, бунда ўймакорлик алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Шунингдек, уй-рўзгор буюмларини ясайдиган уста-харротлар, эгарин, тарокчи,элакчи усталар ҳам бўлган. Маҳаллий дурадгор усталар миллий мусиқа асбоблари ясаганлар. Қурилиш ишлари билан шуғулланувчи усталарни гилкор(ғишт қувчи), сувоқчи, паҳсакаш деб атаганлар. Маҳсус меъморлар, яъни мохир сувоқчи ва ганчкорлар миллий меъморчилик санъатини эгаллаб, мачит, мадрасалар, минора ва кўшлар қурганлар. Сабр-тоқат ва оғир меҳнат талаб қиладиган бадний амалий санъат соҳаси тош ва суяк ўймакорлиги, яъни тоштарошлик ва сангтарошлиқдир. Сангтарошлар ибосан мраммар устунлар ясаганлар. Кулолчилик энг қадимий ва оммавий хунармандчилик тури бўлиб ҳисобланган. Рангли, сирланган ғишт ғиштларини ясовчи усталар кошчилар деб номланган, улар қурувчи бўлсалар ҳам кулолчилик асбобларидан фойдаланганлар. Тандирларни тандирчилар

7